2011-yil, 27-avgust. Shanba

104-105 (31.381)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРК ТАРОНАЛАРИ» САККИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНІ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ

Қадрли мехмонлар! Мухтарам фестиваль иштирокчи-

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу мухташам майдонда ўтирган «Шарқ тароналари» халкаро мусика фестивалининг қатнашчиларини, чет эллик ҳурматли мехмонларимизни ва Самарқанд жамоатчилигининг вакилларини кўриб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг юксак хурмат ва эхтиромимни изхор этаман.

Бугун қадимий Самарқанд шахрининг юраги бўлмиш муаззам ва бетакрор Регистон майдонида «Шарқ тароналари» фестивалининг очилиш маросимида қатнашар эканмиз, бу санъат анжуманининг йилдан-йилга обрў-эътибори ортиб, дунёдаги энг нуфузли мусиқа фестиваллари каторидан мустахкам ва муносиб ўрин топиб бораётгани барчамизга катта мамнуният ва гурур багишлайди.

Бунинг тасдигини 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 та мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга жахоннинг турли ўлкаларидан, яъни Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъаларида, Шарқ ва Ғарб минтақаларида жойлашган 56 та давлатдан истеъдодли санъат намояндалари ташриф буюргани мисолида яккол кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ушбу анжуманнинг лонғи ва ловруғи лунё микёсида тобора кенг ёйилиб, янги-янги мохир хонанда ва созандаларни ўз сафига тортаётганига барчамиз гувох бўлмокдамиз.

Айни пайтда фестивалимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим ва фан, маданият ва санъат сохалари бўйича етакчи ташкилоти бўлмиш ЮНЕСКОнинг хомийлиги ва рахнамолигида ўтказилаётгани бу анжуманга янада юксак маком ва нуфуз багишламокда.

Қадрли дўстлар, азиз биродарлар!

Бу фестивалнинг жахондаги энг кўхна шахарлардан бири бўлмиш, Шарқ оламининг ўлмас рухини, унинг кадимий ва хамиша навкирон киёфасини ўзида мужассам этган, ҳар қадамда шарқона файзу тароват сезилиб турадиган гўзал ва афсонавий Самарканд шахрида ўтказилиши — бу фикрга хаммангиз қўшиласиз, деб ўйлайман унга чуқур маъно-мазмун ва шукух бахш этмоқда.

Бугунги санъат байрамига дунёнинг узок ва якин давлатларидан келган сиз азизларни қутлар эканмиз, сизларнинг тимсолингизда биз авваламбор турли халқлар мумтоз мусикасининг ёркин вакилларини, санъат усталари ва устозларини кўрамиз.

Сизлар ўзингизнинг ноёб санъатингиз, инсон қалбига етиб борадиган куй-қўшиқларингиз ва ижро махоратингиз билан миллион-миллион мусика мухлисларига завк бағишлаб, фестиваль хазинасини янада бойитишга муносиб хисса қўшасиз, деб ишонаман.

Шу ўринда мухим бир фикрга алохида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. Бугун биз яшаётган нотинч ва ўта мураккаб даврда барчамиз бу фестивалнинг ижобий таъсири, ахамияти ва мохиятини унинг элу элатлар ўртасида хамкорлик ришталарини мустахкамлаш, хаётбахш мусика санъати орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйгуларни уйготиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилишида кўрамиз.

Шу борада яна бир фикрни таъкидлаб ўтишни истардим. Ер юзидаги халқларни, тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, уларнинг барчасини бирлаштирадиган, авваламбор, ёш авлодимизнинг онги ва қалбида чуқур акс садо берадиган гоят таъсир-

чан бир восита, қудратли бир куч борки, у хам бўлса, мусика, унинг оханг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқлар, десак, хар томонлама тўгри бўлади.

Шу маънода, бугун очилаётган «Шарқ тароналари» фестивалининг ана шундай юксак гояларга хизмат қилиши барчамизга баланд рух бағишлаб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиши табиийдир.

Айнан ана шундай олижаноб мақсадларни рўёбга чиқариш ва ўзининг ноёб махоратини намоён этиш учун дунёнинг турли-турли минтақаларидан азим Самарқандга келган сиз азиз мехмонларимизга аввало барча мусика ихлосмандлари номидан, қолаверса, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Мухтарам мехмонлар!

Мен яхши тушунаман — шу кунларда сизларнинг бор эътиборингиз, вактингиз, харакат ва интилишларингиз фестивалдаги жўшқин ижодий мусобақаларда юқори ўринларга эришиш, соврин ва мукофотларни қўлга киритишга қаратилган. Ана шундай юксак ғалаба ва ютуқларни қўлга киритишда барчангизга зафар ва омадлар ёр бўлишини тилайман.

Албатта, ушбу анжуман кунларида яратилган имкониятлардан фойдаланиб, сизлар Самарқанд шахрининг багрикенг, мехмондуст халқи билан яқиндан танишасиз, унинг ноёб меъморий ёлгорликлари ва тарихий обидалари, афсонавий Шарк тимсоли бўлмиш Самарқанд бозорларини кўрасиз ва ишонаманки, ўхшаши йўқ бу гўзал шахарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз.

Хурматли юртдошлар! Мухтарам

Бу йилги «Шарқ тароналари» фестивали бугунги кунда хар томонлама гўзал ва обод бўлиб, «Ер юзининг сайқали» деган таърифга муносиб бўлиб бораётган Самарқанд заминида Ватанимиз мустакиллигининг айни 20 йиллик тарихий санаси нишонланадиган, мамлакатимиз, халкимиз учун буюк муборак айём, қутлуғ кунларда бўлиб ўтаётгани чукур рамзий маънога эга. Чунки «Шарқ тароналари» халкаро мусика фестивалига айнан мустақиллик йилларида асос солинди ва бу фестиваль истиклолимиз билан бирга камол топиб бормокда.

Мен хар сафар ушбу фестиваль муносабати билан Самарқандга келиб, сиз азизлар билан яна бир бор кўришиб, дилдан сухбатлашиш имконига эга бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб хис қиламан.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен учун қадрдон бўлган Самарқанд ахлига доимо қалбимнинг тўрида сақланиб келаётган самимий мехрим ва хурматимни яна бир бор изхор этищдан хурсандман.

Шу унутилмас дақиқаларда сизлар билан бирга дунёдаги машхур истеъдод эгаларининг бетакрор санъатидан бахраманд бўлиб, байрам қувончини бахам кўриш насиб этганидан гоят мамнунман.

Бугунги тантанамизда иштирок этаётган ЮНЕСКО ташкилоти, Халқаро халқ ижодиёти кенгаши каби нуфузли халқаро тузилмаларнинг вакилларига, хорижий давлатларнинг элчилари, анжуманимизнинг фахрий мехмони бўлган италиялик машхур хонанда Аль Бано Карризи жанобларига сизларнинг номингиздан катта хурмат ва миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Хуш келибсиз Самарқанд зами-

Хуш келибсиз Ўзбекистонимизга, азиз биродарлар!

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор табриклаб, сиз азизларимга сихат-саломатлик, янги-янги муваффақият ва омад-

лар тилайман. Эътиборингиз учун рахмат.



«Шарқ тароналари» етти иклим наволари

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди

Инсон — оханглар ошуфтаси. Ўзи яратган сехрли наволарнинг тингловчиси хам, хайратланувчиси хам унинг ўзи. Инсонни олижаноб максадлар сари илхомлантириш, ёруғ хаёллар сари бошлаш, эзгуликка даъват этишда мусиқанинг ахамияти бекиёс. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, мусиқа санъатисиз рухий камолотга эришиб бўлмайди.

(Давоми 3-бетда.)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ БИР ГУРУХ ФУКАРОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА

Ўзбекистон билан дўстлик ва шериклик муносабатларини ва хар томонлама хамкорликни ривожлантиришга, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустахкамлашга қўшган катта хиссаси учун хамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

«Франция — Марказий Осиё» дўстлик гурухи раиси **Ирнерио Семинаторе** — Европа халқаро муносабатлар институти президенти (Бельгия) **Йоширо Мори** — Япония парламенти вакил-

лар палатаси депутати Ким Ёнг Гу — Корея Республикаси Миллий

ассамблеяси депутати Сантьяго Руис-Моралес — Ўзбекистоннинг

Мадриддаги (Испания) фахрий консули

Сон Кёнг Шик — Корея Республикаси Савдосаноат палатаси раиси

Удо Фёлькер — «CLAAS» компанияси мустақил консультанти, «MAN Avto Uzbekistan» қўшма корхонаси кузатув кенгаши аъзоси (Германия)

Хартли Бут — Британия-Ўзбекистон жамияти раиси, Ўзбекистон-Британия Савдо ва саноат кенгаши хамраиси

Чжан Дэгуан — Хитойнинг Марказий Осиё давлатлари билан Дўстлик жамияти раиси

Чо Янг Xo — «Кореан Эйр» компанияси раиси Узбекистон билан икки томонлама ва куп томонлама савдо-иктисодий, инвестициявий, маданий, илмий-таълим сохасидаги хамкорликни ривожлантириш борасидаги фаол ва самарали фаолияти учун хамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКИЛЛИГИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК нишони билан Абдулла Хўжа — «Туркистон-Америка уюш-

маси» раиси

Антонио Локе — Осиё ва Ўрта ер денгизи давлатларини ўрганиш бўйича Италия институти

Жозеф Гольдблат — БМТ Қуролсизланиш масалаларини тадқиқ этиш институти ходими Жак Барра — «Pantheon-Assas Paris II» университети профессори (Франция)

Карлос Паласио и де Ориоль — «Patentes Talgo» компанияси президенти (Испания) Кэролин Лэмм — Америка-Ўзбекистон савдо палатаси раиси

Лебедев Сергей Николаевич — МДХ Иж роия қўмитаси раиси — Ижро этувчи котиби Митрополит Владимир (Иким Владимир Захарович) — Рус православ черкови епис-

копи, Омск ва Тара митрополити Мишель Казачкин — ОИВ/ОИТС, сил касали ва безгакка қарши курашиш бўйича Глобал

жамғарма ижро этувчи директори Патрик Оллье — Франция парламенти билан алоқалар бўйича вазир, Руэй-Мальмезон

Раманатан Тейвендран — Сингапур менежментни ривожлантириш институти бош коти-

Сиддхарт Саксена — Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси

Фредерик Старр — Ж.Хопкинс номидаги университет хузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси (АҚШ)

Хосе Фернандо Санчес-Хунко Манс — «Махат» компанияси президенти (Испания) Юй Хунцзюнь — Хитой коммунистик партияси Марказий қўмитаси Халқаро бўлими бош-

лиғи ўринбосари Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан давлат мукофотлари ва «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик ни-

шонлари тантанали вазиятда топширилишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил килсинлар. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вази-

рининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикаси Президенти

и.каримов

Тошкент шахри, 2011 йил 26 август

Узбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХУКУКНИ МУХОФАЗА КИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат рухида тарбиялаш ишига қўшаётган катта хиссаси хамда ижтимоий-сиёсий хаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий vнвон берилсин: «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Сайиткулов Алимурод Гайбуллаевич — Чирчик олий танк кумондон-мухандислик билим юрти кафедра бошлиғи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ» Базаров Узак — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

(Лавоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўгрисида

АХБОРОТ



2011 йил 26 августда Тошкент шахрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Махкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг рахбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари хозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини руёбга чикариш доирасида тайёрланган қонунларни кўриб чиқишдан бошладилар. Чунончи, молия-банк инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Кредит ахбороти алмашинуви тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди ва маъқулланди. Қонун кредит ахбороти алмашинувининг хамда кредит битимининг, битим бўйича мажбуриятларни ижро этишнинг холати тўгрисидаги маълумотларни, шунингдек, кредит ахбороти субъектларининг кредит қобилиятини, молиявий ахволини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга ёрдам берадиган бошқа ахборотни тақдим этишнинг амалий тизимини яратишга қаратилган.

(Давоми 4-бетда.)

Узбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХУКУКНИ МУХОФАЗА КИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА

Мамлакат Қуролли кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни химоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, баркарорлик ва жамоат тартибини мустахкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Зуфаров Хусан Адилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

Мирзаалимова Гулнора Мухтаровна — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судь-

Расулов Улугбек Абдугафурович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий харбий-клиник госпиталининг бўлинмаси бошлиғи — бош мутахассис

Суннатов Улугбек Джалильович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи

ІІ ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Алимов Таймураз Олимжанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Асамов Хужабахлил Фазлитдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Галимов Равшан Савдоханович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Гафаров Ровшан Хаятович **Узбекистон Республикаси** Миллий хавфсизлик хизмати

Косимов Ойбек Миркомил ўгли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбо-

сари Назармухамедов Даврон **Абитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбо-

Хамраев Абдулла Адхамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбо-

Юнусов Алишер Тулкунович — Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Асямов Сергей Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси лаборатория бош-

ЛИГИ Бахромов Миродилла Муртазаевич — Навоий вилояти Нурота тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бош-

Блинов Евгений Александрович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

харбий қисм отряд командири Израилбекова Махмуда **Абдусамиевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси

Мадреймов Ниетбай Оразбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бўлими бошлиги

Машарипов Уразбой Жуманазарович — Давлат божхона қўмитасининг Хоразм вилояти божхона бошқармаси божхона пости бошлиги

Осокин Вадим Эдуардович – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати

ходими Ташпулатова Гулсара Сабировна — Тошкент шахар Бектемир тумани Давлат солик инс-

пекцияси бўлим бошлиғи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тимофеев Сергей Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошқармаси-

нинг катта мухандиси

Халиков Нематжон Алматович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўлим бош тафтишчиси

Холов Уткир Шомуродович - Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Эргашев Бахтияр Усманович — Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шахар суди раиси

Юлдашев Абдусалом Абдукаххарович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солик

қўмитаси раиси ўринбосари Якубова Дильбахор Шариповна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошкарма бошлиғи

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Баходир Баротович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Алиев Тавакал Ниязович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси экипаж командири

Артиков Рустам Тухтамуратович — Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармаси алохида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гурух ко-

мандирининг ўринбосари Ахмедов Кодиржон Мамиржонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бош-

қармаси бўлим бошлиғи Ахмедов Нурсеит Зиябекович — Узбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси бош-

қарма катта офицери Бобомуродов Учкун Темирович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алохида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мута-

Боймуратов Жамшид Холмаматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бойназаров Джурабек Хайруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси батальон штабининг алоқа хизмати катта офицери

Буланходжаев Ботир Абдуллаевич (мархум) — Тошкент вилояти Қибрай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Бурхонов Дилшод Омонбекович — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гурух командири

Валиев Азим Умидович -Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати хо-

Давранов Шавкатбек Мухтарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси взвод

Ёдгоров Жамшид Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жумаев Олимжон Саитбобоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жуманов Калила Аметович **Узбекистон Республикаси** Мудофаа вазирлиги харбий

қисм гурух мутахассиси Ибрагимов Нодиржон Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исмоилов Одилжон Хатамжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух мутахас-

Каландаров Рахимджан Нуруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Каюмов Шухрат Абдулхамидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурухи секция командири

Мамаджанов Алишер Муратович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси Чегара кўшинлари минтакавий штабининг штаб бошлиғи ўринбосари

Маматалиев Баходир Абдуназарович — Фаргона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ғаввос — қутқарувчиси

Мардиев Шухрат Уткирович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алохида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гурух командирининг ўринбосари

Матхаликов Рустам Анварович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алохида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

Менгниёзов Рашид Холмуминович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мирзаев Анвар Абдумаликович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Муталов Дилмурод Мансурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Мухаммадиев Даврон Аб-

дурахмонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси кавалерия гурухи мутахас-CNCN Назаров Комилжон Абду-

саидович — Сурхондарё вилояти прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

Норматов Али Орипович Узбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати хо-

Нурутдинов Фатхиддин Садритдинович — Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор ва-

Оманов Махсуд Турдимуродович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси гурух

командири Орзикулов Музаффаржон Турсункулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавф-

сизлик хизмати ходими Рахимов Отабек Мусурманкулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рискиев Дониёр Каримович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алохида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гурух командирининг ўринбосари

Рузиев Илхом Низамович · Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати

Собиров Санжар Толибович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Солиев Улугбек Олимжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сотволдиев Муротали Турабович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий кисм гурухи секция командири

Сулаймонов Рустамжон Райимжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Туманов Камолитдин Ус-

манович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Уринбаев Алишер Хажихо-

нович — Ўзбекистон Респуб-

ликаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Хасанов Авазбек Рамазонович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алохида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гурух коман-

Хасанов Ахат Аминович —

Фарғона вилояти Ички ишлар бошкармаси жиноят кидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

вич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий кисм командири Эргашев Рустам Фармонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хиз-

мати ходими Юсупов Шухрат Якубжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси тезкор

бўлимининг тезкор вакили Якубов Собир Пулатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати хо-

«СОДИК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Азизов Баходир Махкамович — Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори

Айтимбетов Аминбай **Алимбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Алимов Улугбек Кузибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий кисм катта хаво радисти Алланиязов Женисбай Ра-

шидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух коман-Ашурова Мухаё Ахтамов-

си Бош прокуратураси бўлим катта прокурори Бакиров Жасур Тажимирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

на — Ўзбекистон Республика-

харбий қисм гурухи секция командири Батиров Шерзод Негмуратович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик

хизмати ходими

Бобоев Илхом Мухамедович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий кисм взвод катта техниги

Буриев Бахром Уралович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати

Волков Алексей Евгеньевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси батальон командири ўринбосари

Гусеинов Вадим Леонтьевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Давранов Бердикул Муродуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух мутахас-

Жалилов Полвон Абдурахимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурухи секция

Жумабаев Санжар Жумабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух мутахассиси

Журакулов Мустафокул **Абдукаххорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

рович — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчиси Мавланов Зомониддин Махамадмусаевич

Узбекистон Республикаси Му-

Каюмов Хайдарали Акба-

дофаа вазирлиги харбий кисм дивизион командири Мамадалиев Тулкинжон Усубжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва-

зирлиги харбий кисм гурух бошлиғи Мамаджанов Шухрат Муратович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бош-

қарма бошлиғи ўринбосари Мирзаев Мирали Исматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хиз-

Мулабаев Нурмахамат Хикматович — Ўзбекистон

Республикаси Мудофаа вазири ўринбосари

Муминов Баходир Гайнитдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик Эминжанов Рустам Олимохизмати ходими

> Мусаев Дильбар Кабилович — Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Марказ бошлиги

Мухтаров Илхом Неъматиллоевич — Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Бухоро-2» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости кичик инспектор-кинологи

Ниёзов Бахтиёр Нуриддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух мутахас-

Нуртинов Фарид Галимжанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Отабоев Хуршиджон Хаса-

нович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси Отамуродов Аскар Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хар-

бий қисм гурух командири Ражабов Толиб Эштухта ўгли — Тошкент олий умумкўшин қўмондонлик билим юрти кафедра йўрикчиси

Рахимкулов Худойкул Ха-

кимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий харбий-клиник госпиталининг филиал бош-Рустамов Азамат Юлдашо-

вич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Сайбеков Рахимберди Тургунович — Ўзбекистон Рес-

публикаси Мудофаа вазирли-

ги харбий қисм командири ўринбосари Сайдалиев Аскар Бухарбаевич — Узбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хиз-

мати ходими Сергиенко Сергей Васильевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хиз-

мати ходими Собиров Ойбек Шербоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳар-

бий кисм взвод командири Тураев Одилжон Турдику**лович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги **харбий қисм гурух мутахас-**

Тураев Фарход Джумаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий

қисм бўлинма бошлиғи Турдалиев Карим Табаракович — Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси бўлим етакчи илмий

Тухтабаев Абдукаххар Абдусаттарович — Тошкент шахар прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бош-Хаитов Рустам Кадирович

бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлинма бош-Хайриев Рахматилла Убайдуллаевич — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жи-

– Бухоро шахар Ички ишлар

ноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлинма бошлиғи Халимов Акрам Хамидович — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган

жиноятчиликка қарши курашиш

бўлими катта тезкор вакили Халимов Рахим Наимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гуруҳи катта механик-ҳайдовчиси

Халманов Ойбек Кенжабаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурухи командири ўринбосари Хомидов Камолиддин

Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя килиш кўмитаси взвод назоратчиси Худайназаров Шокиржон

Абдумаликович — Ўзбекистон

Муйдинович — Ўзбекистон

Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати холими

Хусанджанов Кодир Суратович — «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексининг контрабандага қарши курашиш бўлими бош-

Чариев Тимур Анатольевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух командири

Эргашев Фахриддин Камолдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавф-

сизлик хизмати ходими Юсупов Хайдар Айитбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси взвод катта назоратчиси

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Рустам Кахраманович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Арсланов Бекмурат Одинаевич — Кашқадарё вилояти **Гузор тумани махалла фука**ролар йигини «Махалла посбони» жамоат тузилмаси рахбари

Ахмедов Мирвасит Мирсадикович — Тошкент шахар Ички ишлар бош бошқармаси йўл харакати хавфсизлиги бошқармаси инспектори Ахмедов Ўктамбой Курбон-

боевич — Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани Давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи Ашурова Зулфия Эргашевна — Сирдарё вилояти Сир-

дарё тумани Давлат солиқ инс-

пекцияси шўъба бошлиги Бекпулатов Умид Валиханович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахас-

Бурибоева Фатима Ахмуратовна — Жиззах вилояти **Галлаорол тумани прокурату**раси катта нозири

Дадабаев Джахангир Рахманкулович — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бўлим бошлиги

Дехканов Олимжон Ганибоевич — Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи

Джамуратов Уктам Курбонович — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Навоий шахар автомобиль мактаби ўқитувчиси Жураев Хамидулла Очило-

вич — Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани Давлат солиқ инспекцияси бош инспектори Закирова Эльшад Икрамовна — Тошкент шахар Мир-

зо Улугбек тумани 1-сон дав-

лат нотариал идораси нота-

Ибрагимов Кошкарбай Сарсенбаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга карши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак

туман бўлими бошлиғи Исломов Абдусаттор Гайбуллаевич — Жиззах вилояти Fаллаорол тумани Давлат coлиқ инспекцияси бўлим бош-

Ишанов Баходир Хакимович — Сурхондарё вилояти Давлат солик бошкармаси

шўъба бошлиғи Комилов Акрамжон Ахмаджонович — Андижон вилояти Шахрихон тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бош-

Комилов Улугбек Исрожидинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби ўқитувчиси

Коракулов Дилшод Мамасалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси гурух командири ўринбосари

Мелиев Худаёр Хуррамович — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошкарма бошлиғи

Мусаев Бобир Рахмонович Сирдарё вилояти Сардоба тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспек-

Набиев Усман Курбанович – Навоий вилояти Кармана тумани махалла фукаролар йиғини «Махалла посбони» жамо-

ат тузилмаси рахбари Назаров Азизбек Азамович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бош-

лиғи ўринбосари Назарова Бусолия Абдуллаевна — Фаргона вилояти Бувайда тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш

бўлими мудири Примов Алишер Салиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух мутахассиси

Раимжанов Закир Юнусо-

вич — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси йўловчи поездларни кузатиш бўйича отряд командирининг ўринбосари Рахимов Анвар Шермухамматович — Ўзбекистон Респуб-

ликаси Мудофаа вазирлиги харбий қисм гурух расчети командири Рустамов Хусниддин Аскарович — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар

бўлими профилактика инспек-

Сабирзянова Фирая Гайфутдиновна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги молия-иктисод бошқармаси муҳандис-иқтисод-

Садиков Шухрат Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Самарқанд вилояти худудий бошкармаси бошлиғи

вилояти Хазорасп тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Махалла посбони» жамоат тузилмаси рахбари Султанова Наиля Рахимов-

на — Тошкент вилояти Оққўр-

Сапаев Нурулла — Хоразм

ғон тумани прокуратураси катта нозири Тагаев Сафарбай Улашевич — Самарканд вилояти адлия бошқармаси тадбиркорлар хуқуқларини химоя қилиш бў-

лими бошлиги Ташпулатов Шерзод Шадиевич — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро шахар автомобиль мактаби ўқитувчиси

Темирханова Бибисанем

Таджибаевна — Қорақалпо-

ғистон Республикаси хўжалик суди судьяси Умаров Толибжон Абдуазизович — Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари бошлиғи Урманов Равшанбек Оманович — Давлат божхона қўмитасининг Фарғона вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўли-

Халилова Наргиз Алихановна — Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди СУДЬЯСИ Чекалин Валерий Евгень-

ми бошлиғи ўринбосари

каси Миллий хавфсизлик хизмати ходими Шакиров Хотамбек Анварович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

евич — Ўзбекистон Республи-

Ахборот-технология таъминоти бошкармаси бошлиги Эм Раиса Анатольевна — Сирдарё вилояти прокуратура-

си 1-тоифали мутахассиси Эргашев Хусниддин Нуриддинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси взвод назоратчиси

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шахри, 2011 йил 26 август

«Шарқ тароналари» — етти иқлим наволари



Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» саккизинчи ҳалқаро мусиқа фестивали бошланди



Қадим заминимизда мусиқа илк маданият турларидан бири сифатида шаклланиб, халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Бу кўплаб тарихий манбалар, археологик қазишмалар даврида топилган ноёб ашёларда ўз ифодасини топган.

Айникса, Амир Темур даврида фан ва маданиятнинг бошка сохалари қатори мусиқа ва қўшиқчилик санъати хам юқори даражада ривожланган. Сохибкирон ташкил этган йирик марказлашган давлатнинг пойтахти — Самарқандда ўз даврининг энг машхур созанда ва хонандалари, мусикашунос олимлар, шоирлар жам бўлган. Бу ердаги богларда мушоиралар, мусиқий анжуманлар уюштирилган. Машхур тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида Амир Темур саройидаги мусиқа анжуманлари хақида «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эдилар. Ва турку мўгил, хитойу араб ва ажамдан ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эди», деб ёзади.

Истиклолнинг илк йилларидан Президентимиз Ислом Каримов рахнамолигида аждодларимиздан мерос бой, кадимий ва серкирра мусика маданиятимизни ўрганиш ва таргиб этишга алохида эътибор каратилмокда. Ўсиб келаётган ёш авлодни ушбу бебахо меросдан бахраманд этиш баробарида уларга миллий ва жахон мусика санъати дурдоналари ўргатилмокда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар

икки йилда Самарқанд шахрида ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали маданият ва санъатга берилаётган ана шундай юксак

эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Мазкур фестиваль дунё халқларининг миллий мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, тили, маданияти, қадриятлари турлича миллат ва элатларни санъат воситасида бир-бирига яқинлаштириш, инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган. Шу боис қисқа вақтда халқаро миқёсдаги йирик санъат анжуманига айланди.

Самарқанд, Регистон майдони. 26

август, соат 19.00. ...Самарқанд осмонидаги минглаб юлдузлар акси заминга тушаётгандек. Нилий гумбазлар узра сирғалаётган рангин шуълаларда гўё ўтмиш ва келажак жилоланмоқда. Тунги шаҳарнинг майин эпкини дилни яйратиб, кишига ҳузур бахш этади. Улугбек, Тиллакори ва Шердор мадрасаларини туташтириб турган муаззам майдондаги улкан амфитеатр тантана иштирокчилари — кенг жамоатчилик вакиллари билан тўлган. Улар орасида хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро таш-

килотлар ваколатхоналари вакиллари, «Шарқ тароналари» саккизинчи мусиқа фестивали қатнашчилари ва мехмонлари, санъат намояндалари, журналистлар ва сайёҳлар бор.

Анжуман ахли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Регистон узра карнай-сурнай, ногора садолари янграйди. Мумтоз куйкушиклар жозибали раксларга уланади. Мусика садолари остида мухташам сахнага фестиваль катнашчилари — 56 мамлакат санъаткорлари ки-

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади. Давлатимиз рахбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва мехмонларни қутлар экан, мазкур фестивалнинг мазмун-мохияти, бетакрор рухи, қиёфаси ва шарқона фалсафаси ҳақида тўхталди, фестиваль иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтакасидаги ваколат-хонаси директори Гванг Жо Ким мазкур анъанавий халқаро фестиваль жахондаги нуфузли мусиқа анжуманлари орасида алохида ўринга эга эканини, нафақат Шарк, балки бутун дунёнинг санъат намояндалари ва ихлосмандларини ўзига жалб этаётганини таъкидлади.

Фестиваль қатнашчилари сони ортиб, янги номлар кашф этилаётир. Ер юзининг турли минтақаларида бой тарихий-миллий мусиқа ва қўшиқчилик анъаналарини асраб-авайлаб, давом эттириб келаётган ижодий гурух ва ансамбллар ўз дастурлари билан иштирок этмокда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида ўтаётган бу галги фестивалга Самарқандда катта хозирлик кўрилди. Шарқ гавхари, ер юзининг сайқали, деб эътироф этилган қадимий ва хамиша навкирон шахарда Президентимиз рахнамолигида кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шахарнинг Мирзо Улугбек, Бўстонсарой, Спитамен, Беруний, Панжакент кўчалари ва уларнинг атрофидаги бино, иншоотлар миллий ва замонавий архитектура талаблари асосида қайтадан бунёд этилди. Жумладан, йигирмага якин кўп каватли турар жой, олтмишга яқин ижтимоий

соха объекти, йигирмадан ортиқ маъмурий бино, юздан ортиқ савдо ва хизмат курсатиш шохобчалари қурилди. Йуллар кенгайтирилиши билан шаҳарда аҳолига транспорт хизмати курсатиш сифати янада ошди.

Президентимиз ташаббуси ва рахнамолигида Мирзо Улугбек музейи кайтадан бунёд этилди. Буюк бобомизнинг янги хайкали ўрнатилди. Мажмуз худуди ободонлаштирилди. Регистон мажмузси атрофида эса 3,2 гектар майдонни эгаллаган хиёбон ташкил этилди. Бу ерда кўплаб ноёб дарахт кўчатлари экилиб, ранго-ранг чироклар ёгдусида товланувчи фавворалар барпо этилди.

Шаҳарнинг асосий дарвозалари ҳисобланган халқаро аэропорт, темир йўл вокзали ҳамда автошоҳбекатлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Ушбу масканларда йўловчиларга юқори даражали сервис хизмати кўрсатилмокда. Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан «Тошкент — Самарқанд» йўналишида «Афросиёб» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилди.

...Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган концерт дастури анжуман иштирокчилари ва мехмонларида катта таассурот қолдирди.

Фестиваль қатнашчилари Регистон майдонидаги асосий сахнадан ташқари, шахардаги «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истирохат боғларида, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут, Жомбой, Оқдарё, Пайариқ туманларида концерт дастурларини намойиш этиши, санъат ихлосмандлари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари маданиятини ўрганишда манбаларнинг ўрни» мавзуидаги халқаро конференция ўтказилади. Миллий либослар ва чолғу асбоблари кўргазмалари ташкил этилади.

Самарқанд шахрида бошланган халқаро мусиқа байрами шукухи Ватанимиз узра қанот ёзди. Эртанги ёруг кунларга қатъий ишонч билан яшаётган бунёдкор халқимиз истиклолимизнинг муборак тўйи — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини фахру ифтихор, ёруг юз билан қарши олмокда.

Вохид ЛУҚМОНОВ, Голиб ХАСАНОВ, ЎзА махсус мухбирлари. ЎзХДП: Харакат дастури амалда

Ёшларни иш билан таъминлаш

самарадорлигини ошириш йўллари топилмоқда партия фаоллари ва депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилмоқда

Фаргона вилоят партия кенгаши фаолларининг йил бошидаги йигилишида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи атрофлича муҳокама қилинган эди.

Бунда, аввало, ишлаб чиқариш корхоналари қувватини ошириш, фаолият турларини кенгайтириш орқали иш ўрни яратилишига эътибор берилди. Норасмий фаолият юритаётганлар меҳнати қонунийлашишига кўмаклашиш долзарб вазифа этиб белгиланди. Вилоят партия кенгаши тавсиясига кўра, барча шаҳар ва туман партия кенгашлари ўз иш режасига аниқлик киритди.



Хусусан, Бувайда туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурухи худуднинг ижтимоий ривожланиш хусусиятларини тахлилий ўрганди. Шундан келиб чиқиб, касбхунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича амалий таклиф тайёрланди. Туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси йигилишида бу таклиф атрофлича мухокама этилди. Унга кўра, ишчилар сони 30 нафардан зиёд бўлган фермер хўжаликларида ходимлар билан ишлаш бўйича мутахассис хамда тиббиёт хамшираси учун иш ўрни очиш масаласи кўриб чикилди. Шунингдек, мактабгача таълим муассаларида шанба ва якшанба кунлари пуллик тўлов асосида ишловчи тарбиячи иш ўрнини жорий этиш таклиф қилинди. Агар бу ташаббус амалга ошса, 659 та янги иш ўрни ташкил этилар эди. Бу, ўз навбатида, тумандаги касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашда қўшимча имконият яратиб берарди.

ЎзХДП депутатлик гурухининг ташаббуси аввал доимий комиссия йигилишида қўллаб-қувват-

ланди.
Ишлаб чиқариш корхоналари қувватини ошириш хисобига янги иш ўрни яратиш борасида хам партия фаоллари самарали изланишаяпти. Фаргона шахар партия кенгаши мутахассислардан иборат ишчи гурухи тузиб, тадбиркорлик субъектлари, саноат корхоналарида янги иш ўрни очиш масаласини ўрганди. Зарур тавсиялар ишлаб чиқилиб, кредит ажратишда тижорат банклари ходимларининг қонунчиликка риоя қилиши бўйича депутатлик

назорати ўрнатилди. — Хар бир депутат бу борада фаоллик кўрсатаяпти, — дейди Фарғона шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурухи рахбари Аҳмаджон Абдуллаев. — Хусусан, Сарбарой Махмудова, Мирзакамол Ахмедов ва Махмуджон Эргашев касб-хунар коллежлари битирувчилари билан корхоналар ўртасида тузилган уч томонлама шартнома бажарилиши бўйича назорат-тахлил ишларини кучайтирди. Иш берувчи корхона-ташкилотлар билан хамкорлик тўгри йўлга кўйилиши бесамар кетмади. Шахримизда бу йил 7552 нафар коллеж битирувчиси халқ хўжалигининг турли сохаларида иш бошлади.

Депутатлик гурухи ва партия фаоллари мутахассислар билан бирга, ёшлар ўз ихтисослиги бўйича ишлаши, ўз вақтида иш хақи олиши, мехнат шартномаси талаблари бажарилиши, шунингдек, мехнат дафтарчаси юритилишини доимий равишда ўрганишмокда. Аникланган камчиликлар жойида ҳал этилаяпти.

Фаргона шахрида истикомат килувчи Бахтиёржон Пўлатов ЎзХДП депутатлик гурухи ёшларни ишга жойлаштириш масаласини ўрганаётганини эшитиб, шахар партия кенгаши Жамоатчилик кабулхонасига мурожаат килди. У ўгли Давронжон Жўраевни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда кўмак сўради. Саноат корхоналари билан бог-

ланиб, тез орада масала ижобий хал этилди.

— Фарзандларимиз билим олиши, хунар ўрганиши учун барча шароит яратилган, шу билан бирга, улар ишга жойлашишда ҳам жиддий кўмак берилаяпти, — дейди Бахтиёржон Пўлатов. — Мана, уч ойдирки, ўғлим «Автоойна» кўшма корхонасида ишлаяпти. У мехр қўйган иши билан банд. Фарзандларимиз ўз ҳаёт йўлини топишида, келгусида катта натижаларга эришишида бунинг аҳамияти катта.

Фаргона шахар партия кенгаши ва депутатлик гурухи тажрибаси тез орада тилга тушди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи Фарғона шаҳар Кенгашининг 8-сессияси кун тартибига киритилди. Депутатларнинг тахлилий мухокамасидан сўнг тегишли қарор қабул қилинди. Унда шахардаги 8730 нафар касбхунар коллежи битирувчисини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш самарадорлигини оширишга қаратилган ЎзХДП депутатлик гурухининг таклиф ва тавсияси инобатга олинди.

Худди шу масала Данғара тумани Кенгашининг сессиясида ҳам кўриб чиқилди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Бу борада ЎзХДП депутатлик гуруҳи аниқ режа асосида ишлади.

— Биргина «Автотеххизмат» МЧЖ корхонасида ишлаши учун Данғара автотранспорт коллежининг 84 нафар битирувчисига йўлланма берилди, — дейди туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурухи рахбари Одина Давронова. — Уларнинг фаолияти ва ишлаш шароити, умуман, мехнат қонунчилиги меъёрларига амал килиниши доимий назоратда.

Бешариқ туманидаги Ропқон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Зарифжон зарлари» хусусий корхонасида ўн нафар коллеж битирувчиси иш бошлади. Уларнинг ишга жойлашишида туман Кенгаши депутати Носиржон Холматов ташаббус кўрсатди. Партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаати самарали химоя қилиниши билан боғлиқ бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг мухими, Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» гояларини амалга ошириш жараёнида партия ташкилотлари ва депутатлик гурухлари қўл қовуштириб тургани йўқ. Концепцияни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган, 2011-2014 йилларга мўлжалланган ЎзХДП Харакат дастури ижросини таъминлаш учун Фарғона вилоятида амалий иш қилинаётир, бу борада ибратли тажриба тўпланаётир. Айни пайтда ЎзХДП фаоллари

хамда депутатлик гурухлари тажрибасидан келиб чикиб тузилган таклифларни вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш, шу оркали ёшларни иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш режалаштирилмокда.

> Мухаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — фестиваль иштирокчиларига

Таассуротларимиз— ўчмас, ҳаяжонларимиз— чексиз

«Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари тадбирлар доирасида Самарқанднинг тарихий обидалари ва муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб, шаҳарда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишмокдалар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири улардан айримлари билан сухбатлашди:

Андреас ВОИТ (Австрия):

— Дунёга машхур Самарқандга илк бор келишим. Унинг бетакрор гўзаллиги мени мафтун этди. Айниқса, фалак илмининг султони Мирзо Улугбек мажмуаси, бу ердаги музей ҳамда қадимий расадхона билан танишиб, ўчмас таассуротга эга бўлдим. Музейдаги ноёб тарихий экспонатлар аждодларингизнинг нақадар буюк интеллектуал салоҳиятга эга бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Азалдан фан ва маданият гуллаб-яшнаган мустақил юртингизда миллий мерос, анъана ва қадриятлар юксак қадр топаётганлигига гувох бўлдик. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали хам ана шу эзгу мақсадлар йўлида ташкил этилгани боис биз хам Австрияга хос миллий куйқўшиқларни тайёрлаб келганмиз.

Самикша ШАРМА хоним (Хиндистон):

 Кўплаб халқаро танловларда қатнашганмиз. «Шарқ тароналари» фестивали миллий санъатни намойиш этишга кенг имконият яратгани билан алохида ажралиб туради.

Бу тадбирда турли миллат ва

элатлар вакиллари ўзлари-

нинг авлоддан-авлодга ўтиб

келаётган куй-қушиқларини ижро этишади. Уларнинг санъатига шунга қараб баҳо берилади. Фестиваль «Шарқ тароналари» деб номлансада, унда бутун жаҳон санъати дурдоналари янграйди. Бизнинг гуруҳимиз ҳинд ҳалқининг миллий куй-қушиқларини тайёрлаб келган.

Фестиваль туфайли қадимий Самарқандни кўриш, унинг дунёга машхур тарихий обидаларини зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлганимиздан хурсандмиз.

Кентаро КАТО (Япония):

— Японияда Ўзбекистон, унинг тарихи ва бугунги кунига кизикиш катта. Жумладан, санъатшунослар ва шу сохага алоқадор кишилар «Шарқ тароналари» фестивали тўгрисида кўп маълумотга эга. Чунки ушбу тадбирда бизнинг вакилларимиз мунтазам иштирок этиб келади.

Бизнинг информацион компаниямиз япон халқига мазкур фестиваль хакида янада кенг тушунча бериш, тарихий обидаларга бой Самарқанднинг замонавий қиёфасини суратларда акс эттириш ва мавжуд маълумотларни бойитиш мақсадида интернетда махсус веб-сайт яратишни мўлжалламокда. Ушбу мақсадимизни амалга ошириш учун кўплаб маълумотлар тўплашга эришдим. Одамлар билан сухбатлашдим, кейинги йилларда шахарда олиб борилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдим. Самимий мехмондўстлик ва дўстона муносабат учун ўзбек халқига миннатдорлик билдираман.

Клемент РАНДРИАНАНТОАНДРО

РАНДРИАНАНТО (Мадагаскар):

— Мазкур мусиқа анжумани ҳақида интернет орқали маълумот олгач, бизда унда иштирок этиш истаги пайдо бўлди. Бизни қўллаб-қувватлаб, таклиф этишгани учун фестиваль дирекциясидан миннатдормиз. Ўзбекистонга ташрифимизнинг дастлабки кунлариданоқ жудда катта таассуротга эга бўлдик. Айни вақтда бизда кучли ҳаяжон хам бор. Бунинг сабаби фестивалда илк бор иштирок этаётганимиз, тадбирнинг нуфузи ва савияси нихоятда юқори даражада эканлигидир. Мазкур анжуманга хар бир давлат вакиллари ўзларига хос дастурлар билан ташриф буюрган. Биз қадимий чолғу асбобларимиз ёрдамида миллий мусиқамиз намуналарини ижро этамиз.

жро этамиз. **Ноа ВАХ хоним**

(Исроил):

— Мусиқий гурухимизнинг «Шарқ тароналари» фестивалида иштирок этиш учун Ўзбекистонга боришини эшитиб, гоят қувондим. Негаки, бу диёрнинг гўзал табиати, багрикенг одамлари, бир-биридан чиройли тарихий шахарлари хақида жуда кўп эшитганман, уларнинг суратларини томо-

ша қилганман. Дастлаб мамлакатингиз пойтахти Тошкентга келиб, унинг йирик замонавий мегаполис эканига гувох бўлдик. Самарқандда эса тарих ва замона-



вийлик уйгунлашган гўзал шахарга келганимизни хис қилдик. Тарихий обидалар, улар атрофидаги бог ва хиёбонлар, ям-яшил майсазорлар, гўзал фавворалар хар қандай киши қалбига нафис туйгуларни жо этади. Буни, айниқса, ижод ахли яхши хис қилади. Биз ҳам шаҳарни айланиб, унинг бетакрор кўрку тароватидан баҳраманд бўлдик, янги оханглар кашф этдик. Ўзбекистон заминидагина етиштириладиган нознеъматлар, дунёга машхур Самарқанд нонларидан татиб кўрдик. Шундай обод ва файз-баракали юртда яшаётган халқингизга чин дилдан ҳавас қилдик.

ЎзА мухбири Голиб ХАСАНОВ ёзиб олди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўгрисида АХБОРОТ

Сенаторлар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини мухокама қилдилар. Қонуннинг асосий мақсади тугатиш ишини юритишнинг айрим тартиб-таомилларини ўтказиш муддатларини қисқартиришдан, керакли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун банкрот корхоналар мол-мулкини янги мулкдорларга реализация қилишнинг самарали механизмларини яратишдан иборат.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонун «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофик тайёрланганлиги ва қабул қилинганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Қонун билан лицензиялаш тартиб-таомиллари анча соддалаштирилмокда. Чунончи, қонундан юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги хакидаги гувохномаларнинг кўчирма нусхаларини нотариал тасдиқлаш зарурлиги ҳақидаги талаб чиқариб ташланди, лицензияловчи орган томонидан лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун лицензияловчи органнинг бундай аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлари доирасида йигим ундирилишини назарда тутувчи норма киритилди.

Шундан сўнг сенаторлар «Темир йўл транспорти тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чикдилар. Сўзга чиққан сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш, фукароларнинг хаёти ва саломатлигига, жамоат хавфсизлигига ва давлатнинг барқарорлигига тахдид туғдирувчи фавкулодда вазиятлар юз беришининг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик борасидаги миллий конунчилик базасини хамда хукукни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга ёрдам беришини кўрсатиб ўтдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъкулланди.

Сенаторлар «Жиноят ишини юритиш чогида қамоқда сақлаш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонунини мухокама қилдилар.

Конунда камокда саклашнинг асосий принциплари, асослари, камокла саклаш мулдатлари мустахкамлаб қўйилган, қамоқда сақлаш жойлари тушунчаси расамадга солинган, ушлаб турилганлар ва қамоқда сақланаётганларнинг хуқуқлари, шунингдек, бу хуқуқларни таъминлаш кафолат-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



лари белгиланган. Жумладан, химоячи, конуний вакил билан учрашиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг қамоқда сақлаш жойларига бориши тартиби ва бошкалар белгилаб қўйилган.

Сенаторларнинг фикрича, инсон хуқуқлари бўйича институтларнинг фикрини назарда тутган холда кабул килинган ушбу қонуннинг маъқулланиши жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни ва судхукук тизимини янада либераллаштиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъкулланди.

Сенаторлар «Жиноят ишини

юритиш чогида қамоқда сақлаш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хакида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хам кўриб чикиб, маъкулладилар. Тегишли ўзгартишлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига киритилган. Хусусан, милиция ёки бошқа хуқуқни мухофаза қилувчи орган ходими амалга оширилган ушлаб туриш тўгрисида ушлаб турилган шахс милиция муассасасига ёки бошқа хуқуқни мухофаза қилувчи органга келтирилган пайтдан бошлаб бардор килиши шартлиги, камоқда сақланаётган айбланувчиларнинг хукукларини химоя қилишга қаратилган бир қатор бошқа қўшимчалар мустаҳкам-

«Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чикдилар. Қонуннинг максади конун хужжатларини бирхиллаштиришдан хамда хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларини текширишни ўтказиш жараёнида янада қулайроқ шартшароит яратишдан иборат эканлиги кайд этилди.

Шундан кейин сенаторлар

Қонун билан «Фермер хўжалиги тўгрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўгрисида»ги ва «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, шунингдек. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартишларга мувофик, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режадаги солик текширувла-

ридан ўтказилмайди.

Қонунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бошланадиган ва тугалланадиган вактни белгилашнинг аниқ таомиллари кўрсатилган. Хусусан, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга текшириш натижалари тўгрисидаги далолатномани (маълумотномани) текшириш тугаган куни топширишни назарда тутадиган тартиб жорий этилмокда. Бу эса, ўз навбатида, текширишлар расман тугаганидан кейин уларни амалда давом эттириш холларига чек қўйиш имконини беради.

Сенаторлар «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар тоифалари — Ўзбекистон Республикаси фукароларининг рўйхати тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини мухокама қилдилар. Ушбу қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гурух депутатлари ташаббуси билан қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади Тошкент шахрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка масалаларини тартибга солишдан, бу сохада қонунийликни ва хукук-тартиботни таъминлашдан иборат.

Конунда Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар тоифалари — Ўзбекистон Республикаси фукародарининг руйхатини тасликлаш назарда тутилади. Булар конун хужжатларига мувофик сотиб олинган уй-жойига эга бўлган фукаролар, давлат хокимияти ва бошкаруви органлари тизимидаги тегишли лавозимларга белгиланган тартибда тайинланиб, тасдиқланиб ёки сайланиб, тайинланган, тасдикланган, сайланадиган лавозимларда бўлиши даврига пропискадан ўтказиладиган шахслар, республика ахамиятига молик давлат ташкилотларига ишга таклиф қилиниб, лавозимда бўлиш дав-

рига пропискадан ўтказилади-

ган юқори малакали мутахас-

сислардир. Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг прописка масаласи бўйича мурожаатлари холисона кўриб чикилишига, суиистеъмолликларнинг олди олинишига хамда пойтахт минтакасида хукук-тартибот ва жамоат хавфсизлиги таъминланишига ёрдам беради.

Сўнгра сенаторлар «Географик объектларнинг номлари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонунини кўриб чикдилар. Ушбу қонунда умумэътироф этилган халқаро атамашунослик талабларини хисобга олган холда «Географик объектлар», «Географик объектларнинг номлари», «Географик объектлар номларининг давлат реестри» деган тушунчаларга биринчи марта таъриф берилмокда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларининг, географик объектларнинг номлари сохасидаги махсус давлат органининг ваколатлари белгилаб қўйилмокда. Қонунда геограни давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш, уларни саклаш тартиби хам назарда тутилган.

Сенаторлар «Географик объектларнинг номлари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар киритиш хақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги карори асосида ишлаб чикилган «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофик қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки махсулотларининг тарқатилиши хамда истеъмол қилинишини чеклаш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонуни ҳар томонлама мухокамадан кейин сенаторлар томонидан маъкулланди. Қонуннинг асосий мақсади алкоголь ва тамаки махсулотларининг фукаролар, энг аввало ёшларнинг саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида алкоголь ва тамаки махсулотларининг таркатилиши хамда истеъмол килинишини чеклашнинг қонунчилик ва хукукий асосларини такомиллаштиришдан, шунингдек, қонун нормаларини халқаро хуқуқ нормалари талабларига мослаштиришдан иборат эканлиги таъкидланди.

Қонунда алкоголь ва тамаки махсулотларининг таркатилиши хамда истеъмол килинишини чеклаш борасидаги давлат сиёсатининг принциплари, фукароларнинг хукуклари химоя килинишининг кафолатлари, шунингдек, давлат органлари ва фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар хамда ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки махсулотининг таркатилиши хамда истеъмол қилинишини чеклаш, бундай махсулотни ишлаб чиқариш, реализация ва реклама қилиш борасидаги фаолиятни тартибга солиш бўйича ваколатлари аник расамадга солинган. Бу борада давлат назорати чоралари белгиланган. Мухокама чогида сенаторлар қонуннинг қабул қилиниши алкоголь ва тамаки махсулотини истеъмол килиш билан боглиқ касалланиш ҳамда ўлим холатлари қисқаришига ва фуқароларнинг саломатлиги сақланишини таъминлаш борасидаги профилактика чоратадбирлари рўёбга чикишига ёрдам беришини таъкидлади-

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида маъкулланган конунлар ижтимоий-иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга, судхукук тизимини либераллаштиришга, давлат қурилиши ва бошқарувини такомиллаштиришга қаратилганлиги, бу қонунларни рўёбга чиқариш мамлакатда демократик янгиланиш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида мухим омил бўлиши, фуқароларнинг хуқуқий онгини юксалтиришда, уларнинг турмуш сифатини яхшилашда хамда мамлакатда баркарорлик ва фаровонликни таъминлашда катта роль ўйнаши кўрсатиб ўтилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугал-

> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ЎзХДПда сиёсий ва фукаролик маърифати

Демократик ислохотларнинг самараси

депутатлар, партия фаоллари ва ахоли вакиллари хамкорлигига боғлиқ

УзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан сиёсий ва фукаролик маърифати тизимида ташкил этилаётган навбатдаги ўкув машғулоти шу мавзуга бағишланди. Қашқадарё вилоят партия кенгашида ўтказилган мазкур семинарда махаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва электорат вакиллари иштирок этди.

Очиғи, сиёсий ўқув ва мунозараларга кўпчиликни жалб этиш осон эмас. Бунинг учун хар бир машгулот жонли ташкил этилиши керак. Машғулот ўтказиладиган катта зал тўлди. Қизиқиш учун келганлар, саволларини дилда пишитиб турганлар хам анча эди. Хуллас, машғулот мавзуси ҳам, сўзга чиқувчилар фикри хам

кўпчиликда қизиқиш уйготди. Бугун ҳар биримиз ҳаётнинг ўзи олдимизга кўяётган вазифаларни бажариш учун янгича фикрлаб, янгича ишлашимиз лозим, деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Президентимиз илгари сурган Концепция давлат ва жамият ривожланишининг янги даврини бошлаб берди. Олти йўналишдаги тараққиёт режалари демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда. халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлишида катта ахамиятга эга. Уларнинг ижросини таъминлаш. жамиятда амалга оширилаётган, хаммамиз учун кимматли бўлган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш вазифамиздир. Бу вазифа бажарилишида депутатлар, фаоллар ва хайрихохлар жипслиги мухим, албатта.

Вилоят партия кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги депутатлик гурухи рахбари Олим Равшанов демократик бозор ислохотларини чукурлаштириш борасида қилинаётган ишлар, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дасту ри ижроси юзасидан олиб борилаётган назорат-тахлил жараёни хакида атрофлича маълумот берди. Депутатлик гурухининг бирон ижтимоий-иктисодий масала юзасидан назорат-тахлил ўтказиш, натижаларни умумлаштириш, юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар тайёрлаш ва уларни вилоят Кенгаши сессияси мухокамасига олиб чикиш жараёни билан таништирди.

Шахрисабз туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гурухи рахбари Собир Примов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси, туманда бу борада амалга оширилаётган ишларни тахлил қилди. Маълум бўлишича, тижорат банкларининг тумандаги филиаллари ажратган 12 миллиард сўм микдордаги кредит маблағининг қарийб 90 фоизи савдосотик ишларини молиялаштиришга йўналтирилган. — Кредит маблағлари кўпроқ

ишлаб чикарувчи субъектларнинг бизнес-режаларини молиялаштиришга йўналтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деди депутат. — Мамлакат микёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан кўзланган мақсад — истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар билан бойитишдан иборат. Тижорат банклари кредит маблагларини йўналтиришда бунга эътибор каратиши лозим.

Юнус УЗОКОВ, «Узбекистон овози: мухбири.

Юридик тезаурус —

иш самарадорлигига кўмак

Олий Мажлис палаталари ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг «Парламент тараққиётини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойихаси ўтган йили ишга тушди. Лойиханинг асосий мақсади Олий Мажлис палаталарининг маълумот-алоқа базасини ва ахборот-тахлил фаолиятининг институционал асосини мустахкамлашга кўмак беришдан иборатдир.

Яқинда мазкур лойиха доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг иш фаолиятида қўл келадиган русча-ўзбекча юридик тезаурус луғат ишлаб чиқилди.

Тезаурус атамаси юнонча бўлиб, thesaurys — хазина, бойлик деган маъно англатади. У луғатнинг ўзига хос тури бўлиб, унда луғавий бирликлар ўртасидаги семантик муносабат кўрсатилади. Изохли луғатдан фарқли ўлароқ, тезаурус сўз маъносини нафақат изоҳлайди, балки шу сўзнинг бошка сўз ва атамалар билан қандай қўлланишини кўрсатиб беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хукукий ислохотлар, конунчилик ва назорат-тахлил борасидаги ишлар мазмун-мохиятидан келиб чиқиб, замонавий тезаурус тузишда турли соҳа мутахассислари жалб этилди.

Луғатдаги ўзбек тилидаги юридик атамаларни танлашда академик А.Хожиев тузган «Термин танлаш мезонлари»га тўла риоя қилинган. Айниқса, бошқа тиллардан ўзлаштирилган атамаларга тўгри ёндашишга катта ахамият берилган. Тезаурусга киритилган юридик терминлар ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиққан холда танланган, айни пайтда, юридик тил меъёрига риоя килинган.

Русча-ўзбекча юридик тезаурусда конунчиликнинг асосий йўналишлари, жумладан, иқти-



содиёт, банк, биржа ва халқарохукук сохаларига оид атамалар жамланган. Уни тузишда мамлакатимизда ва чет элда чоп этилган луғат, қомус, монография ва юридик адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Мазкур луғат қонунчиликдаги атамаларни хорижий юридик терминология билан қиёслаб ишлатиш имконини беради.

Русча-ўзбекча юридик тезаурусдан илмий ходимлар ва амалиётчилар, юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари хамда кенг доирадаги китобхонлар фойдалани-

> Отабек ШУКУРОВ, БМТ Тараққиёт Дастури «Парламент тараққиётини қўллаб-қувватлаш» лойихасининг жамоатчилик билан ишлаш бўйича мутахассиси.

Харбийларга муносиб уйлар

Давлатимиз томонидан Ватан химоячиларининг яшаш шароитини тобора яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона вилоятидаги харбий кисмлардан бирида энг улуғ, энг азиз байрам — Истиклолимизнинг йигирма йиллиги арафасида 40 хонадондан иборат янги уй-жойнинг фойдаланишга топширилгани фикримиз тасдигидир.

Лейтенант Рустамжон Ўринбоев ҳарбий билим юртини 2010 йилда тамомлаб, ушбу ҳарбий қисмга йўлланма олган эди.

Хизмат қилаётганимга эндигина бир йил бўлса-да, давлатимиз кўрсатган ғамхўрлик туфайли менга хам янги уй калити топширилди, бундан ғоят бахтиёрман, — дейди Рустамжон.

— Турмуш ўртогим сержант Аслиддин Шарипов харбий хизматни каерда ўтаган бўлса, биз хам доимо биргамиз. Мана. бугун оиламиз барча қулайликларга эга замонавий уйга кўчиб ўтди, дейди Наргиза Арзиқулова. Махаллий хокимиятга хам рахмат. Бизга ётоқ ва ошхона мебелларини совга килди.

Фойдаланишга топширилган уй лойихаси ўзига хос бўлиб, кенг йўлак,

қишки хамда ёзги айвонли хонадонлар барчага манзур бўлди. Ушбу замонавий турар жой биноси қурувчиларнинг байрам арафасида харбийларга муносиб тухфаси бўлди.

- Ватан химоячиларига атаб қурилган уйлар юқори сифатли бўлиши учун астойдил харакат қилдик, дейди бош пудратчи «Қўқонагроқурилиш» МЧЖ раиси Қурбон Абдурах-

Барча қулайликларга эга уй-жой топширилиши тантаналарида Мудофаа вазирлиги хамда вилоят хокимлиги мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Мухаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

евич номига берилган

В№079602 рақамли бака-

лавр дипломи йўқолганли-

БЕКОР КИЛИНАДИ

ги сабабли

Машаққатли меҳнатнинг муносиб рағбати

■ Байрамларга бурканган, катта шодиёналар арафасида турган юртимизда инсон азиз, унинг қадрқиммати юксақдир.



Мана, уч кундирки, қалблардан қувонч тошмоқда, ҳаяжон оғушидаги замондошларимизнинг меҳнати, заҳмати, садоқати, хизмати, фидокорлиги, барча-барчаси муносиб эътироф этилмоқда. Президентимиз Фармонига кўра давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган юртдошларимиз номлари матбуотда эълон қилинмоқда.

Улар орасида матбуотимиз фидойиси бўлган бир гурух хамкасбларимизнинг борлиги ОАВ ходимларига хам олам-олам шодлик бағишлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири, таниқли журналист Асрор Мўминовга ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони берилди.

Биз жамоадошимизни ушбу юксак унвон билан қутлаймиз!


Тахририят







очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва жойлардаги тармоқлар жамоалари



халқимизни ҳамда юртимиз меҳмонларини мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан қизғин муборакбод этади.

Юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тукин-сочин, хонадонларимиз нурафшон булсин!

Юртимизда туй ва тантаналар, вайрамлар янада купайсин! Хоразм вилояти «Богот дон махсулотлари» очик акциядорлик жамияти жамоаси

бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

лиятини тугатмоқда. Шу муносабат билан унга билди-

риладиган барча даъволар эълон чоп этилган кундан

Манзил: Самарканд шахри, Лутфий кўчаси, 15-17-уй.

Тел: 8-366-231-00-41.

халкимизни энг улуг ва энг азиз байрам – мамлакатимиз Мустакиллигининг 20 йиллиги билан самимий табриклайди.

Байрам-муборак, азизлар!

Хоразм вилояти «Кишлокхўжаликкимё» акциядорлик жамияти жамоави

азив валандошпаримивни
Мустакиллинимивнинг 20 йиллини муносабали
билан табриклайди. Бу улуг байрам хар бир
жонадонга кувонч келлирсин!



Обод ва озод юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин/



Эълонлар 30 Реклама

бияан жалқимивни, талаба-ёшларни, қиявинуимизнинг 20 йилламы WHITE SPOUTOUT Муста MAJEVALL Mapmill Mapmill

усегов-мураббийяварни муборакбод этади

69.18110 Ropmumus muht, ocmonumus Mycappo OyacuH

20 йиллики Ватанимив клайди. билан қизғин табри Мустаниллимини юртдошларимизни

unga anag maranga Pphamuz sanapu bijarah emakumuza soco-shup enpropula orangameda unn röksgunaþuhu zabíñ sínu

MY6opak **ДЎСТЛАР**! A CONTRACTOR OF THE PROPERTY O Байрамингиз бўлсин, азиз





шодиёнаси билан муборакбод этади. Ватанимиз ИЛЛИК Барчани кутлуг айёг Истиклолининг 20 й

мустақиллигимиз мангу бўлсин. а тантаналар, мамлакатимизда Хурлигимиз абадий, Хонадонларда тўй в

ар янада купайсин байрам ва шодиёнала



«Кашкадарёпажтасаноат» бирлашмаси акцияноримк жамияти O STANK

əmadu. sa Рамазон қайити билан муборакбод



ишларингизда улкан муваффақият ободлиги ва ҳаёт йўлида амалга ош Юртимиз



«Қорақалпоқтелеком» КОМПАНИЯСИГА жамоаси «Ўзбектелеком» акциядорлик филиали қарашли

ıми билан қутлайди. Мусфақиллигимизнинг халқимизни baŭp



Реклама ва эълонлар



Хоразм вилояти

«BOFOT TEXCTIAL»


қўшма корхонаси жамоаси

халқимизни Энг улуғ, энг азиз айём — Мустақилликнинг

20 йиллик байрами билан муборакбод этади!


Юртимиз фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда омад ёр бўлсин!

Байрам муборак, азиз дўстлар!





Реклама ва эълонлар











Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV **Bobir ALIMOV** Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV Muslihiddin Tat'yana KISTANOVA **MUHIDDINOV** (Bosh muharrir o'rinbosari) Ochilboy RAMATOV **G'affor HOTAMOV** Saidahmad RAHIMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR: Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45; ljtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

amoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar koʻchasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-ragam bilan 2007-yil 11-yanvarda roʻyxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxong manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uv. Gazeta ofset usulida. A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabog

Gazeta seshanba, payshanba ya shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

info@uzbekistonovozi.uz Г — 846 10895

t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 nusxada OʻzA yakuni — 01.10 bosildi. Topshirilgan vaqti — 03.10



